




БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАХАР КОМИТЕТЛАРИ,
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАХАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 190 (2223). 23 сентябрь, якшанба, 1962 йил. Баҳоси 2 тийин.



Ўртоқ Василий Павлович
МЖАВАНДЗЕга

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Сизни, Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбобини, Сизнинг олтиш ёшга тўлган кунингиз билан чин қалбдан табриклайдирлар.

Сизга узоқ умр, сihat-саломатлик ва совет халқи бахт-саодати йўлида, мамлакатимизда коммунизм тантанаси йўлида янада самарали ишлашингизни тилаймиз.

СССР ИТТИФОҚИ
КОММУНИСТИК
ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИ

СССР ИТТИФОҚИ
МИНИСТРЛАР
СОВЕТИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўртоқ В. П. МЖАВАНДЗЕга
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони
унвони бериш тўғрисида

Грузия КП Марказий Комитетининг биринчи секретари, КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат ўртоқ В. П. Мжаванадзенинг тўғилганга олтиш йиллиги билан унинг Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги катта хизматларини тақдирлаб, ўртоқ Василий Павлович Мжаванадзегга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилиб, унга Ленин ордени ва «Ўроқ ва болга» олтин медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари

М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 21 сентябрь, 1962 йил.

Л. И. Брежневнинг Югославияга қиладиган
визитига доир

БЕЛГРАД, 21 сентябрь. (ТАСС). Бутун ташқи ишлар бўйича давлат секретариатда бўлиб ўтган матбуот конференциясида давлат секретариатининг расмий вакили Драго Куш СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг Югославияга қиладиган визитига доир баёноти ўқиб берди.

Баёнотда бўлажак визит ҳамда Совет Иттифоқидан келадиган азият меҳмончи Югославияда табиқлаш имконияти туғилиши му-

носабати билан алоҳида мамнун-ят билдирилди.
Бу визит, дейилди, сўнгра баёнотда, ўзaro ҳамкорлигини ривожлантиришда муҳим қадам бўлади, шунингдек, бутун дунёда халқaro тинчлигини ва ўзарo тенг ҳуқуқли ҳамкорлигини сақлаш ва стабиллаштириш соҳасида сарфла-наётган куч-гайратларга муҳим ҳисса бўлиб қўйилди. Бу визит Югославия ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги мавжуд алоқа ва дўстлики янада мустақкам-лайди.

Бу йил 1-«Далварзин» совхозининг ишчилари етиштирилган ҳосилини 4500 тоннасини машиналар ёрдами билан териб олишни планлаштирганлар. Ҳозир совхознинг кўпгина бўлимлари ва бригадаларида «зангори кема»лар ишга туширилди. Суратда: бу йил мавсумда 120 тоннадан пахта териб бериш мажбуриятини олган азамат меҳнаткорлардан Ёқуб Боймиров ва Исроил Шерматов ўртоқлар 6-бўлим, 5-бригадада пахта термоқдалар. Улар кунига «ХВС-1.2» машинаси билан эл хирмонига 4—5 тоннадан «оқ олтин» тўкмоқдалар.
А. Абалаян фотоси.

Хирмонга барака киритаётганлар

Рихсбой ака эрталаб барвақт қишлоқдан чиқиб ўзи бошчилик қиладиган бригада даласи томон йўл оиди. У пахтаси кеча терила бошлаган пайкалга етиб келганида хурсанд бўлиб кетди. У ерда 6-7 чоклик қиз жадал пахта тераётган эди.

— Э, ҳорманглар-ҳорманглар, — деди у. — қушлардан ҳам эрта уйғонишга одатланбисизлар м и, қизлар. Бу тўлдирган этакларинг биринчисини?

— Нима деясиз ўзи Рихсбой ака, — шовилиб жавоб берди Дилбар, — кечаги кун билан бу-гунги кунни тенглаштирмангиз. Кеча худди шу пайтгача бир этакни бушатган эдик. Ҳозиргача ҳам-мамиз ҳам икки этакни бушатиб, мана кўриб турибсизки, учинчи-сини тўлдирялмиш.

— Кечга қадар, ҳар биримиз терган пахта 150—200 килодан ошмасе бу пайкалдан кетиш йўқ, — гапга қўшилди Дилбарнинг дугонаси Гулсара. — Мақсадиниз шундай бўлгани учун ҳам бугун кечгача қараганда бир ярим соат барвақт ишга чиқди.

— Қўнгулар дард кўрмасин, сингилларим, баракалар, — деди бригадир чеварларга яқинлашган, — агар бугун ҳам таъриятни бўшаптурмасанглар шу пайкал қўлдан чиқди. Эртата Ленин устасининг пахтасини теришга тушамиз. У ерда пахта шундай очилибдики, кўрсангиз ҳавасингиз келади.

Рихсбой ака қизларга «пахта-

ларинг кўпайиб қолибди, ҳозир арава юбораман» деди-да ший-пой томонга юрди. Шу пайт пай-калга бошқа терувчилар ҳам етиб келиб эгат орайла кетишди. Ҳа демой бу пайкалда ишлаёт-ган ети теримчининг сони 57 га етди. Туң билан ҳувилаб ётган пахтазорга файз кирди.

Теримчи қиз-жувонлар шундай гайрат билан ишлашардики, ҳали-гина ерда бўм-бўш ётган қанор-лар «оқ олтин»га тўлиб қад кў-тарар, уйиб пахта ортлган арава-лар хирмон томонга йўл оларди.

Биз дала шийпонида етиб бор-ганимизда бригадир Рихсбой ака Қорабоев энди пунктга жўнай деб турган машинанинг шоферига ал-данималарини уқтириб турган эди. Шофер йигит бригадирнинг бу-ларини эшитиб бўлган, «хўп бу-лади» деган ишорани қилди-да машинани илдам ҳайдаб кетди. Рихсбой акадан бригаданинг иш-лари ҳақида гапириб беришни ил-тимос қилди.

— Йигит-теримчи пахта тайёр-гарлик билан кутиб олганимиз ахши натижалар берапти, — де-ди у. — терим мавсуми бошлан-масдан илгари бригаданинг иш-ларида устасида кўча яси ташкил этдик. Тайёргарлик иш-ларини шундан бошламасан ҳам бў-масди. Ҳозир болалар ақсиллари-да маза қилиб ўйнаб юришибди, уларнинг оналари эса кўнгли-ла-

рини тўқ қилиб далада гайрат қилишарди.
Бригадир яна кўп нарсалар ҳа-қида гапириб берди. Маълум бў-лишча Рихсбой ака бошчилик қиладиган бригада аъзолари ети-йилдининг тўртинчи йилини ҳам қувончли натижалар билан яқун-лаш мақсадида 105 гектар май-доннинг ҳар гектаридан камиди 33,5 центнердан пахта олишга аҳд қилишди. Ҳозирги кунлар-да зиммага олинган социалистик мажбуриятни октябрь ойининг ўрталарига бориб тўла адо этиш учун ҳамма бир тан, бир жон бў-либ меҳнат қиляпти. Шу кунга қадар бу бригада йилнинг планга нисбатан 40 процентдан ақия пахта тайёрлади. Бир кунлик ўсим 2,5—3 процентни ташкил этмоқда.

— Эрта-индидан бошлаб, — деб гапига давом этди бригадир, — «зангори кема»ларни ишга туширялмиш. Ана ўшанда ҳар кунги гайерлаган пахтаимиз 3,5—4 про-центдан ҳам ошиб кетади.

Кеч кўриб ҳамма хирмонга қайтганда бутун ким қандай иш-лаганлиги маълум бўлди. Пеша-дамлардан Дилбар Ўсмонова, Гулсара Ўсмонова, Мамлакат Ҳу-санова ва бошқа ўртоқларнинг ҳар бири хирмонга 150—200 кило-граммдан пахта тўкди. Бу чевар-лар мавсум охирига қадар 10—15 тоннадан пахта териб ўзларини ҳам, эл-юртини ҳам хурсанд эт-тишга аҳд қилишган.

Оқ йўл, сизларга, пешадам теримчилар!
Э. САЙДАКБАРОВ,
Ж. НОСИРОВ.
Оржоникиде районидаги
Хрущев номи колхоз.

Кунига икки процентдан

Оқўғорон районидagi «Ўзбеки-стон» колхозининг Қодирқул ака Орзиев бошчилик қиладиган бри-гадаси пахтакорлари бу йил 85 гектар ерининг ҳар гектаридан 27 центнердан «оқ олтин» кўтариш мажбуриятини олганлар. Шу кун-ларда улар зиммага олинган маж-буриятнинг шараф билан бажари-лишини таъминламоқ учун йи-ғим-терим суръатини кучайтир-моқдалар. Бу йилги мавсумда ка-мида 18 тоннадан «оқ олтин» те-ришга сўз берган чеварлардан Ро-зия Алиева ва Дамаш Ҳусанова ўртоқлар ҳозир кунига 180—185 килограммдан пахта теришга му-ваффақ бўлмоқдалар. Бу чевар-ларнинг ҳар бири ҳозирги кунга қадар хирмонга 4—4,5 тоннадан пахта тўкди.

Теримчиларнинг гайрат билан ишлаётганликлари натижасида бригадада кунига йиллик планининг икки проценти миқдориди пахта тайёрланмоқда. Ҳар бир пахтакор-нинг бирдан-бир мақсади — йил-лик планни Улуг Октябрь байра-мигача, зиммага олинган социа-листик мажбуриятни эса 25 но-ябргача бажаришдан иборат.

М. ОДИНОВ.

Пахта териш машиналарига — кенг йўл

Ўзбекистонда пахта териб оли-япти. Даладан бамисоли қор ёқ-қандек оппоқ. Эрта тонгдан то қорайгунча минглаб теримчи-лар меҳнат қилмоқдалар. Меҳа-ник-ҳайдовчилар герим машинала-рини пахтазорга киритмоқдалар.

Механизация — пахтачиликни ривожлантиришнинг туб масаласи-дир. Биз кўза парваршида ва пахтани йиғиб-териб олишда ма-шиналардан қанча кўп, қанча ах-ши фойдалансан, меҳнат унумдор-лигини шунча тезроқ ошираола-миз, «оқ олтин» етиштиришни шунча тезроқ қўлайтираоламиз.

Мамлакатимизда пахтакорлар-нинг меҳнатини енгилаштириш тўғрисида бениҳоя катта таъму-рлик қилинмоқда. Саноат «йигит» экиданга ва ёғзан парварши қи-ладиган машиналар, терим агре-гатларини етказиб бермоқда. Рес-публикада кўп меҳнати сарф қи-лаётган пахта етиштиратган ком-плекс трактор-далачилик бри-гадалари аниҳоягина топилди.

Ҳосилин йиғиб-териб олиш пах-тачиликда энг сермеҳнат ишдир. Олимлар ва конструкторлар икки қатордаги пахтани териб етказган «ХВС-1.2» маркали вертикал-шпинделли терим машинасини ву-жудга келтирдилар, ишчилар эса бу машинани ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар. Бу агрегат меҳа-низаторларга маъқул ўшди. Улар тўрт йилдан буён даладаги пах-та машинани ишлаб келмоқдалар ва ундан моҳирлик билан фойда-ланиб, аjoyиб натижаларга эри-шаптилар.

Ўзбекистонда «ХВС-1.2» маши-насининг юзлаб механик-ҳайдов-чилари бор, уларнинг ҳар бири мавсумда 100—120 тоннадан пах-та териб, 40—50 теримчининг ишини бажараяпти. Агрегат аъло даражада ағзалаб олinsa, бундан ҳам юксакроқ унумга эришиш мумкин. Ўтган йили биз ишни икки сменада ташкил этиб бир кеча-кундузда ҳар биримиз 6—7 тоннадан, ҳатто 10 тоннадан пах-та тердик ва 150—200 теримчи-нинг ишини қилдик.

Пахта териш машинасидан му-ваффақиятли фойдаланилаётганли-гини кўрсатувчи бундай мисоллар-ни кўплаб келтириш мумкин. Пах-такор районидagi «Коммунизм» колхоз ва «Малик» совхози ўт-ган йили ялпи ҳосилининг тўртдан уч қисмини машинада териб олди-лар. «Ўзбекистон» ССР беш йил-лиги совхозининг ишчилари, Ком-сомол районидagi «Партия XXI съезди» колхозининг аъзолари, 1-«Боевун» совхози, Янгийўл райо-нидаги Киров номи колхоз ва бошқа кўпгина ҳўжаликларнинг меҳнаткашлари ҳосилининг қарийб ярмини механизмлар ёрдамида йиғиштириб олдилар.

Конструкторларимиз, ишчилари-миз тагин ҳам унумли ишлайдиган техника яратмоқдалар. Тез орада «ХВС-1.2М» пахта териш маши-наси далага чиқарилади. Икки қа-тордаги пахтани териб етказган янги машина яратишда конст-рукторлар меҳнаткорларнинг кўп-чили эътирозларини ҳисобга олган-лар. Бизнинг тақлифимизга муво-фиқ бу машинанинг бошқариш рули аниҳоя енгилаштирилди, бу-йи-кери бир ярим баравар кенгай-тирилди, шпиндель аппаратини ва бутун машинани юмб турадиган меҳаник-насос ўрнатиди, пахта тушадиган камеранинг забойлари тутатилди, машинани мойлаш сис-темаси яхшиланди.

Мамлакатимизда биринчи бўлиб конструктор А. Н. Приходко тўрт қаторли «4ХВ» пахта териш машинасини вужудга келтирди. Бу аjoyиб машинадир. Бу маши-на габарити, қуввати ва вази-ниҳатидан икки қатордаги пахта-ни териб етказган машина қанча бўлса, шунча келади, лекин ундан икки баравар унумли ишлайди. Янги агрегатлар шу йил кўзда далада синаб кўрилади.

Биз эса эндиликда ҳўжалик-ларнинг мавжуд техникасидан ях-широқ фойдаланиш учун ҳеч нар-сани аямаслигимиз керак. Терим машиналаридан фойдаланиш меҳ-нат унумдорлигини кескин дара-жада ошириш, пахта таънарихни камайтириш, уни териб олиш му-ддатларини қисқартириш, ерни кел-тириш йил ҳосилига олдиндан тай-ёрлаб қўйиш имкониятини бера-ди. Ўзбекистон ССР Фанлар ака-демияси иштининг маълумот-ларига қараганда илгори ҳўжалик-ларда пахта машинада йиғиб-те-риб олишдаги меҳнат унумдорли-ги 2,2 баравар ортган, ишлар-нинг таннарихи эса 18,5 процент камайган.

Пахтакор районидagi «Комму-низм» колхоз 1961 йилда пахта йиғим-теримда машиналардан фойдаланиш ҳисобигагина 200 минг сўмга яқин, «Совой» совхоз 80 минг сўмдан ортироқ пулни тежаб қолди. Жавод Кўчи-ев ҳосилининг деярлик ҳаммасини машинада териб олиб, мамлакатда энг арзон пахта етиштирди. У етиштирган бир центнер пахта-

нинг таннарихи етти сўмдан кам-роқ бўлди.

Ўтган йили кузакда республика далаларида 3 млн 454 та «ХВС-1.2» пахта териш машинаси иш-латилди. Бу йил ана шу маши-налар қарийб икки баравар кўпая-ди. Кўпгина ҳўжаликларда ҳосил-нинг аниҳоягина қисмини машинада териб олишга аҳд қилинди. Ўз-бекистон меҳнаткорлари бу йил камида 550 минг тонна пахтани агрегатлар билан териб олишга ва бир ярим миллион тонна ҳосилин қоп-қанорсиз ташинишга сўз берди-лар. Юзлаб механик-ҳайдовчилар мавсумда 120—150 тоннадан ва ундан ҳам зиёда «оқ олтин» те-риб бериш мажбуриятини олди-лар. Бизларнинг ҳар биримиз эса 250—300 тоннадан пахта териш учун курашамиз.

Лекин кўпгина колхоз ва сов-хозларда пахтани машинада те-ришга тайёргарлик қўзғиб кета-ётганлиги бизни таъвишлантир-моқда. Ўзга баргини тўқтирмай туриб машинанинг ишлай олмас-лиги ҳаммага равшан. Пахтазо-рларни ўз вақтида ва сифатли тай-ёрлаб қўйиш — муваффақият қозонишнинг асосий шартидир.

Республика ҳўжаликларида се-табрийнинг охирига қадар 340 минг гектар майдондаги ўзга барги тўқ-тирилиши лозим. Ҳолбуки қўлай муддатлар ўтди кетаяпти, кўпгина районлар аса турли баҳоналар билан бу муҳим ишни кечга сур-моқдалар. Ҳозирча бор-йўғи бир неча ўн минг гектар — ўт-ган йил шу даврдиги нисбатан уч баравар кам майдонда, ўзга барги тўқтирилди, холос. Бухоро, Хоразм ва Самарқанд областла-рининг пахтазорларида ўзга барги-ни тўқтириш кенг авж олдириб юборилган эмас.

Бу ишнинг бажарилишини бун-дан кейин ҳам пайсалга солиш колхозларга ва давлатга катта зар-ар етказиши мумкин. Агар шу кунларда ўзга баргини тўқтириш кенг ташкил этилмаса, пахтачи механизация воситаси билан териб олиш планининг бажарилиши қо-либ қавфи бор. Бунга эса мул-лақ йўл қўйиб бўлмайди! Пахтако-рларнинг бутун кучи ҳозир пахта-зорлардан машина теримга таъ-тил қўйишга, қўлда бор техниканинг ҳаммасидан моҳирлиги билан фойдаланишга қаратилиши керак.

Пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчилари: Турсе-ной ОХУНОВА — Чиноз районидagi Киров номи колхозининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони; Валентин ТЮПКО — Ўрта Осие машина синаш станциясининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони; Меликуз УМР-ЗОҚОВ — Поп районидagi Ленин номи колхозининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони; Саодат ГУЛАХМЕ-ДОВА — Бўка районидagi Охунбобоев номи колхозининг бри-гада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони; Жавод КҲЧИ-ЕВ — «Малик» совхозининг бригада бошлиғи.
Ўзбекистон ССР
«ПРАВДА», 22 сентябрь, 1962 йил.

РЯЗАНЬ ҒАЛЛАКОРЛАРИНИНГ МЕХНАТ ҒАЛАБАСИ

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Рязань области меҳнаткашларини давлатга ғалла сотиш юзасидан олган социалистик мажбуриятла-рини муваффақиятли бажарган-ликлари билан самимий табрик-лайдирлар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети ишонч билдириб айтишларини область колхозчилари, совхоз ишчилари қишлоқ ҳўжалик мутахассислари, партия-совет, комсомол, касаба союз ташкилотлари, территориал ишлаб чиқариш бошқармалари бундан буён ҳам қишлоқ ҳўжа-лик маҳсулотлари етиштиришни ва давлатга сотишни қўлайтириш учун, бу маҳсулотлар таннарихин пайсатириш учун қатъий кураш олиб борадилар ва мамлакатимиз-да коммунизм қуришдан иборат умумий ишга ўз муносиб ҳиссала-рини қўшадилар.

Рязань областининг ғаллакор-

лари Ватан оғборларига 14,4 миллион пуд — планда кўрсатил-ганидан 2,2 миллион пуд қўпроқ ғалла тўқидилар. Гречиха ва дун-қали экинлар ҳариди қилиш пла-ни тўла бажарилгани йўқ. Дав-латга ғалла топириш давом эт-моқда. Рязань ва Скопинск терри-ториал ишлаб чиқариш бошқар-малари қишлоқ ҳўжалигининг меҳнаткашлари ғалла тайёрлаш соҳасида энг ахши натижаларга эришдилар.

Рязань областининг меҳнаткаш-лари КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳўкуматини ишонтириб айтишларини, улар бундан буён ҳам партия XXII съездининг қиш-лоқ ҳўжалигини ривожлантириш соҳасида қўйган вазифаларини бажариш учун астойдил меҳнат қиладилар ва мамлакатимизда коммунизм қуришдан иборат ум-умий ишга муносиб ҳисса қўшади-лар. (ТАСС).



22 СЕНТЯБРГАЧА

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Ишлаб чиқариш бошқармалари	Бир кунда	Мавсум бо- шланг бери	Машина терими		Қоп-қанор- сиз ташин	Ўзга барларни тўқитиш
			Бир кунда	Мавсум бошланг бери		
Чирчиқ	1.31	14.22	0.27	0.71	15.7	40.4
Тошкент	1.97	20.62	—	—	28.2	2.1
Янгийўл	1.75	17.81	0.89	1.33	18.3	45.9
Сирдарё	0.93	6.91	0.43	0.59	8.7	31.0
Ўзғир	1.09	9.32	0.22	0.55	11.1	33.1
Районлар						
Оғори	2.36	28.56	—	—	22.0	10.6
Чирчиқ иркони- идзе	1.89	19.48	—	—	27.5	2.1
Чирчиқ	1.62	17.51	0.76	2.06	18.3	66.4
Чиноз	1.59	17.41	0.23	0.35	22.6	37.9
Янгийўл	1.41	15.91	—	—	17.7	36.6
Пискент	1.44	15.86	0.07	0.18	16.2	34.5
Бўка	1.14	13.32	0.08	0.24	17.5	30.8
Чирчиқ	2.41	13.29	3.04	4.53	10.3	49.0
Бекобод	1.15	11.49	—	—	13.0	17.2
Оқўғорон	1.03	10.17	0.09	0.13	11.2	27.0
Комсомол	0.92	8.79	0.24	0.46	11.4	25.4
Янгийўл	1.03	7.46	0.38	0.96	9.2	43.9
Сирдарё	1.11	7.02	0.60	0.72	8.3	35.9
Гулистон	0.62	4.57	0.38	0.54	5.5	34.1
Область бўйича	1.28	12.35	0.39	0.72	14.0	36.4

ХАР ТҒЕРИДА
„ОТЕЛЛО“ГА ҚАРШИ
ФАРМОЙИШ

Маълумки, Жанубий Африка Республикасида оқ танил граждандар билан қора танил граждандарнинг никоҳланганини жазолайдиган қонун бор. Бундай никоҳга журъат қилганлар тюрмага ташланади. Шу муносабат билан Жанубий Африка Республикаси ҳукумати ўрта мактаблар программасидан Шекспирнинг „Отелло“ трагедиясини олиб ташлаш тўғрисида фармойиш чиқарди. Нима сабабдан? Фармойишда айтилишича, Отелло ва Децио-на „бадахлоқ никоҳ“га ҳоҳиш билдириб, жиноят қилганлар.

ФАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХИЗМАТИДА

САБЗИ ВА ...КЕРОСИН

Июль ойининг охирида „Тошкент“ совхозининг энг яхши сабзавотчиларидан бири Қулаҳмад Дюмухамедов бригадасида сабзи экилган эди. Сабзига, яхши экин майдонини ажратилган бўлинига қарамай ўсимлик унинг чикунча ҳаммаёғини ўт қоплаб кетди. Култиватор билан уларни тозалаш бўлмасди. Негакки, ўтларнинг кўпи сабзи орасидан чиққан. Яна қўлда ўтқи қилишга тўғри келадими? Унга қанча ишчи кўчи ва вақт керак. Совхоз ишчилари бўлса помидор, пилёз, картошка ҳосилини йиғиштириш билан билди. Озгина одам билан ўтқи қилиб бўлгуча бегона ўтлар ўсиб кетиб, экинни бўғиб қўлади.

НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Шунда Республика боғдорчилик институти олимлари ёрдамга келишди. Улар сабзига оддий кerosин сеппиши маслаҳат берди.

— Керосин? — ишонмади Қулаҳмад ака, — ўтлар билан бирга сабзини ҳам ёндириворамиз у...

Бригадга институт илмий ходими Павел Свиридович Васильев келди. У ўзи билан



Бу ерлар илгари қамшилар ўсадиган ботқоқзордан иборат эди. Эндликда Сирдарё районидagi „Правда“ колхозини аъзоларининг кучи билан бу ерда янги посёлка вужудга келтирилди. Қатор кетган мана бу типовой уйларда колхозчиларнинг 50 дан ортиқ оиласи истиқомат қилмоқда.

бирга кerosин тўлғизилган трактор пуркагич олиб келди. Бир кунда ҳамма сабзига кerosин пуркади. Бригадир эртасига ҳайвон билан далага келди: „Ҳаммаси экин кетган бўлса-я, қайтадан экинми?“.

Павел Свиридович бригадирни далада кутиб олди.

— Қалай бўпти, бригадир.

— Қулаҳмад ака ўтларнинг куйиб кетганлигини, сабзининг эса кўкариб турганлигини кўриб хурсанд бўлди.

Шундан буюн „Тошкент“ совхозда сабзи билан кerosин „дўстлашиб“ қолган. Республиканинг ҳамма сабзавотчилик хўжаликларига кerosиндан кенг фойдаланиш мумкин.

ГЕРБЕРТ УЭЛСНИНГ ХАТОСИ

Бундан ярим аср муқаддам улуг инглиз фантастик ёзувчиси Герберт Уэлс „Худодлар олдига“ деган китоб ёзган эди. Унда тўғри мавжудотларнинг ўсишини тейлаштирадиган ажойиб модда ҳақида гапирган. Бу китобни ёзувчи фантастик деб атаб хато қилган: ўша вақтдаёқ фан ўсимлик ва ҳайвонларнинг ўсишини тейлаштиришга ёрдам берадиган ҳаёт чашмасини ахтаришга киришган эди.

ПАХТАКОРЛАР УЧУН

Областимиз колхоз ва совхозлари даладарига қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг фидокорона меҳнати билан етиштирилган мўла пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ишлари қизғин бошланиб кетди. Ҳар бир колхозчи ва совхоз ишчиси „оқ олтин“нинг бир граммини ҳам но-буз қилмай далада топшириш учун зўр гайрат билан ишламоқда.

Ана шундай бир вақтда қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига савдо хизматини яхшилаш, уларнинг қудалик турмушлари учун зарур бўладиган барча нарсаларини муҳайё қилиб қўйиш катта аҳамиятга

эга. Шунинг ҳисобига олиб, област матбуот жамияти қишлоқларда савдо хизматини яхшилашга қаратилган кўпгина тадбирларни белгилади ва уларни амалга оширмоқда.

Пахтакор районларга юзларча минг сўмлик турли хил қишқик кийимлар етказиб берилди. 25 минг донга фуфайка, 15 мингга пахталик шим, юзминг жуфт этик, 15 мингга қўлоқчин ва бошқа қишқик кийимлар пахтакорларга юборилди.

Дала шийпонларига

бадий, қишлоқ хўжалиги ва унинг асосий тармоғи ҳисобланган пахтачилик ҳақидаги китоб ва брошюраларни олиб ўқиш мумкин. Дала шийпонларини безаш учун зарур материаллар ҳам етказиб берилди.

Пахтакорларнинг иссиқлик ва овқат билан таъминлашни яхшилашга қаратилган тадбирлар ҳам амалга ошириляпти. Ҳозир колхоз ва совхозларда 300 дан ортиқ таъмир қилинмоқда, дала шийпонларида ошхоналар ташкил этиляпти.

АДАБИЁТГА ЯНГИ КУЧЛАР КИРИБ КЕЛМОҚДА

Ўзбекистон ёзувчиларининг оиласига янги кучлар қўшилди — ёш шоир ва адиблардан беш киши — Эркин Воҳидов, Сайёр Файзулла, Эрих Халилов, Гадиня Подкова, Улмас Умарбеков Ўзбекистон ёзувчилар союзига қабул қилинди. Ана шунинг билан адабиёт даргоҳига кириб келишди. Ўзбекистон ССР Ўзбекистон союзи секретариатининг кенгайрилган мажлисида расмийлаштирилди. Бу мажлиснинг 21 сентябрда ўзи ишчи тамомлаган ёш ёзувчилар семинари-кеңашининг давоми бўлди, дейиш мумкин.

Семинарнинг сўнгги кунинда

СССР Ўзбекистон союзи правленисининг секретари Г. Марков, Ҳамид Фулом, Иzzат Султон, Андрей Иванов, Александр Удалов, Кулдус Муҳаммадиди, Шухрат ва кенес бўғинга мансуб ёзувчиларнинг бошқа вакиллари ёшларга оқ йўл тилишди.

Козогистон, Қирғизистон, Тожикистон, Қорақалпоғистон ёзувчилари Ўзбекистон ёш ёзувчиларининг меҳмони бўлишди.

Республика кенгашининг қатнашчилигида бир неча киши ёш ёзувчиларнинг IV Бутуниттифоч кенгашида иштирок этади. (ЎЗТАГ).

Ўзбекистон ёзувчилар союзи правленисининг секретари Г. Марков, Ҳамид Фулом, Иzzат Султон, Андрей Иванов, Александр Удалов, Кулдус Муҳаммадиди, Шухрат ва кенес бўғинга мансуб ёзувчиларнинг бошқа вакиллари ёшларга оқ йўл тилишди.

Козогистон, Қирғизистон, Тожикистон, Қорақалпоғистон ёзувчилари Ўзбекистон ёш ёзувчиларининг меҳмони бўлишди.

Республика кенгашининг қатнашчилигида бир неча киши ёш ёзувчиларнинг IV Бутуниттифоч кенгашида иштирок этади. (ЎЗТАГ).

ФЕЛЬЕТОН

Айбга буюрмайсиз, ҳурматли газетхон, гап уй-жой тўғрисида кетаётгани учун қуёқондан ташқари солиб юборилган баъзи иморатларни қосишга деб аташга журъат қилдим.

„Сирли“ дейишимизга боис шунки, баъзи қосишларнинг қад кўтарилишда бир сир бор, бу сир фанат эгасига маълум. Гап баъзи иморатларнинг сир — бўёғи устида кетса керак деб ўйласангиз ҳам ихтиёр ўзингизда.

Биз палончи уй солибди, ёки иморат сотиб олган деб эътироз билдирмоқчи эмасмиз, асло! Ҳар кимга ҳам янги уй муқорар бўлсин! Ҳалол меҳнатга тўғридан ўнга яраша уй қўриб ёки сотиб олган киши қандили урсин!

СИРЛИ ҚОШОНАЛАР

Бундан қарангки, «қур-қур» вақтида шовиб қилиб на маҳаллий советдан рухсат олинган, на иморатнинг қонунийлиги бўлган. Ўқиром қарорини ўзбошимчилик билан солишган бу улкан иморат худдан бир ташкилотнинг қатта клубига ўхшайди.

Ёки бўлмаса Маглубот кўчасида яшовчи Савель Александрович Ландани олиб қўрайлик. У киши билан гап-лашган қосангиз рўзгордан қисилмайсиз, деб ўқисини кўрсатади. Тўғрида, олти жон яшайди. Ишлайдиган бир ўзи. Бир товуққа ҳам дон керак, ҳам суя деганларидек, рўзгорнинг нами кўп. Яхшиямки, қўри-қўннинг бо-

хотини номига ўтказиб қўйиб, ўзи Бекобод шаҳрида ишлаётган эмиш. Хотини Санобархоннинг айтишига кўра қўйди-қийди ҳам бўлган. У киши бошгага уйланиб ҳам олган. Лекин шуниси қизиқки, Санобархон ёш бўлса ҳам бир кун иктомий меҳнат билан шугулланган йў. Уй жиҳозлари, қишлоқ гиламларини кўрсангиз ҳайратдан оғзингиз очилади. Ориф-жовоннинг ўзи ем-хашак базадада ишлайди. Оладиган мошини маълум. Шундай дабдабада иморат, яна қачандан-қачан уй жиҳозлари текни даромаддан бўлмай, нимадан бўлган?

Қизиқ, қишлоқ эски-тускида ҳам кўп дейишса ишонмай юрардик. Лекин бу ҳақ экан. Ҳақ

— „Утиль“ чиликдан ташқари бошқа ишларим ҳам бор.

— Масалан?


— 6 пардада драма ёзаялман.

— Муборак бўлсин! Демак, олдиндан аванс олиб иморатга чап-лабдилар да, уйнинг пани борми?

— Ҳўш, унча-мунча муҳбирлик ҳам қилиб тураман, яъни гонорар ҳам олиб тураман да...

— Эй, бу ЕФ 93—33 номерли „Победа“ни ўша „гонорар“ларга сотиб олган экансиз да... гарани ҳам бўлмасиз, насиб қилсин.

Ана шундан сўнг „утиль“ дўконидан туриб икки қилаётган бўла-жан драматург Шокир Мирзаъмовни кишилар бекорга „утиль“чи деб, дейишмаслигига қаноат ҳосил қилдим. Айтишларига кўра кўп одамлар ҳатто у кишининг сойларига ҳам салом беришармиш...



Қўриқиндан бирор ташкилот клубига ўхшаган бу уй Х. Нурмухамедовга қара шайди.

Орзу-ҳавас яхши нарсаси, инсон умидаси яшайолмайди, ҳар ким ҳам рўзгорим бут бўлса, яхши уйларда яшасам деб умид қиларди.

Лекин яхши ҳаёт кечирармиш иморатнос фақат дағиллама иморатнос фақат йўловчи кишиларнинг нақадар маънавий қашқалоқига афсуслансан киши. Ҳайр, нима ҳам дердик, беш кўл барвар эмас. Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун жон қуйдиранган ҳозирги пайтда фанат ўқининг шахсий мафлаҳини ўйлаб яшаётган кишилар эл-юртининг назаридан қилинган ҳолос.

Муздадога кўчаллик.

Қишлоқ бўлди, Эркин кўча. Эркин проездега келганимизда 1-номерли баҳадир иморатини кўриб ўқисингиз таҳмин қилаётганлик. Ҳамроҳларимиздан бири:

— Бирор давлат муассасаси жойлашган бўлса керак деса, яна бири: „менимча чалароқ битган мактаб биносига ўхшайди“, деди.

— Бочка ёки ясли эмасмики?

— Хуллас, тахминлар билан иш битмади. Гаранжам дарвозадан ичкари киргач, бу ер тўқимачилик галатерия фабрикасига яқиндаги хизматга кирган Х. Нурмухамедов оиласининг қароргоҳи эканлигини билдик.

Қойил! Кириш иморат қилсанг, мана шунча бўлса экан. Иморатнинг ўзи 200,86 квадрат метр майдонини эгаллаб турибди. Ойлада етти жон. Фақат Нурмухамедовнинг ўзи ишлайди. Мошини 100 сўм.

— Қанча сарф бўлган? — сўрадик.

— Ким ҳисоблабди дейсиз, учта ҳовли сотдик. У қилиб, бу қилиб битказиб олдик. Усуналар бўлса йиғишга эски, иморатдан чиққан.

— Бу йиғиш қишлар ярқираб турибди-ку. Шунга эскими?

— Ҳа-да...

рида жўлини бошлаб олган экан. Хотини узоқ вақт тивопурушлик қилди. Савель Александрович ҳам ўзини ўтга-қўнча урди. Бўлмаса, шундай ҳашаматли иморатни қилишга қудрати етармади.

Мана, биридан-бири ишчан бир неча хона. Уйлар шу қадар бахадир, қарасангиз дўпнингиз ерга тушади. Ётоқхона деворларини кўриб гилам деб юрмаган тагин, деворлар шунчаки, гиламга бўқлар билан қопланган, ҳолос. Қимматга қувб ёғочдан ишланган жуфт қорават ва бошқа меҳнат уйга ҳуси қўшиб турибди. Пол ва шиллар ярқирайди.

— Пулчиқ дейсизми? Уёғи билан пулчиқ бўлмасин. Савель Александрович ўзи шунчака элчил одам. Агар қўйиб берилса бундан ҳам зўр иморат қилишга қўриб етати. Ана шу жойни кўрмоқчи бўлсангиз қуйидаги адресга бораверинг. Маглубот кўча, 1-проезд, 52-участка.

Қорасув „Горпромкомбинати“га қарашли 28-магазин сотувчиси Шайл Алтерович Пискуни ишчи боилади. Лой-гипс қилиб уриниб ўтирмади, қўлини совуқ сувга ургани йўқ. У Маглубот проездеда қад кўтарган ҳашамдор 129-а уйни сотиб олди-қўйди. Ойлада тўрт жон, киши бошга биттадан алоҳида хона. Ванча ва ошхона беками-куст. Уйдаги қўлайликлардан қўнглингиз тўқ бўлаверсин. Олди-сотини, эса маҳалла комитети ҳам билмай қолди. Прописка бошқа маҳалла раиси орқали тўғриланди. Узу-қўлоқ гапларга қараганда 14 минг сўмга сотиб олган бу жой Шайл Алтеровичнинг ахтиёркорлиги тўғрисида 4 минг сўмга олди деб расмийлаштирилди. Ҳўш у шунча пулни қаердан олдиёкин? Афтидан, лотерея билетига йирикроқ пул ютган бўлса керак.

„Тинчлик“ кўчасини эшитганмиш. Ҳа, бале, ана шу кўчадаги 14-уй бошқа кўпгина уйлардан ажралиб туради. Усти болхонали қилиб ишланган катта дарвозадан ичкари кирасиз. Қаватма-қават олти хона. Жойнинг эгаси Султонмурод Орифжонов иморатни ўз

ибораси билан айтганда „утиль“ деб аталган ана шундай эски-туски пунктининг бири Чингитойдаги сомон бозори яқинида жойлашган. Шокир Мирзаъмов ана шу пунктда мудир. Ойлик маоши эса 75 сўм.

Энди юринг, ана шу „утиль“нинг Беход кўчасидаги 42-номерли уйларини кўриб чиқамиз. Лекин кўча дарвозасининг бўёқларини кўриб таажжубланиб қолманг. Ишнинг қатъисини ичкарида. Найд музей зал дейсиз. Айовдан-ранг-бараңг бўёқ ва нақшлар билан ишланган. Хоналар кўп эмас. Айов ва коридордан ташқари тўртта, ҳолос. Ҳаммаёқ жаранг-лайди.

— Уй дафтарини кўрсан бўладими?

— Мен бу ерда пропискада йўқман, шаҳардаги эски ҳовлининг уй дафтари ҳисобиданман.

— Бўёқларнинг ўзига анча пул кетмади?

— Бе, қаёнда дейсиз, бир тенгаканмо бола ўнча келиб бўёқ кетаверди.

— Даромадлари қалай? — сўраймиз ана.

Шубҳа билан қопланган юқориди қабри сирли иморатларнинг ҳаммасини санаб ўтирмайлик, кўпчиликни қизиқтирадиган бир мулоҳазани ўртага ташлаб қўқолайлик. Биз тасвирлагандек жойларни қуриш, ёки сотиб олиш учун маблагни қаердан олишаркин?

Ҳа, худди ана шу саволга аниқ жавоб олиш учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми шу йилнинг 3 сентябрийда „Граждандар томонидан меҳнатсиз даромад ҳисобига қўрилган ёки сотиб олинган уйлар, дачалар ва бошқа иморатларни ҳақ тўламасдан олиш тўғрисида“ фармон чиқарди. Ҳал-дидан олиб кетган айрим текин-хўр ва ашадий шахсиятларнинг шў қуналарда ёғи кўйган товукдай пилитлар қолганлари бечиз эмас. Улар ўз ақилларидан ҳам қўриқиб қолдишди. Инсофини, одамларчиликни бир четга суриб қўйиб текин бойлик тўплаган, беллари оғирмай дабдабада иморатлар қурган баъзи „чучар“лар ҳозир мол-дунё, иморат талвасасида.

Лекин улар ўзларини қаёққа урмасинлар, минг хил сабаб ва баҳоналарни қўндалан қилимасинлар, фойдасиз. Ҳалол меҳнат аҳдларининг, моддий бойлик яратиш йўлида, жамият бахт-саодати бўлида йўқини ва ижодий меҳнат билан банд бўлган кишиларнинг, кенг жамоатчиликнинг назар-эътиборидан қочиб қўтилолмайдилар, кескин зарбага учрашлари муқаррар!

Р. УСМОНОВ,
М. ХАЛИЛОВ,
Т. ОТИҚОВ.

„Тошкент ҳақиқати“ штатенз бўлим ходимлари.


Н. НАСИМОВ,
„Тошкент ҳақиқати“нинг махсус мухбири.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“


4-БЕТ, 23 СЕНТЯБРЬ, 1962 ЙИЛ.



Ш. Мирзаъмовга қарашли уйнинг ички қўриқини.



Ш. Мирзаъмовга қарашли уйнинг ички қўриқини.



Ш. Мирзаъмовга қарашли уйнинг ички қўриқини.

Х. НАЖМИТДИНОВ.

Редактор М. КОРИЕВ.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“

„Ташкентская правда“ — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

ТЕЛЕВИЗОР

23 СЕНТЯБРЬДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 12.00 — Физкультура билан шугулланиш, 12.20 — Инглиз тили дасари.

Ўзбек тилида: 13.00 — Қалдрон дўстлар номли бадиий фильм. Рус тилида: 18.00 — „Беларусь“ (Минск) — „Пахтакор“ (Тошкент) командалари ўртасида футбол, 18.45 — Ҳафталик телехроника, 18.55 — Эстрада концерти, 19.30 — „Советский спорт“ киножурнали 19.40 — Крош саргузашти номли киноповесть. 21.50 — Бокс кўни (Ўзбекистон санъат усталари концерти).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — Наташа (телевизион фильм).

Ўзбек тилида: 20.40 — Иккаласи бир кварталдан номли бадиий фильм.

ТЕАТР

НАВОЙИ НОМЛИ ТЕАТРА — 23/IX да Доктор Айболит (эрталаб). Риголетто (кечқурун), 25/IX да Ҳамза.

ПУШКИН НОМЛИ ПАРКАДА — 23/IX кеч соат 8 яримда Филармония солистларининг концерти. Ўзбекистон ССР халқ артисти Қоимқоюн Отаёзов, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Али Хўжаев ва солистлар қатнашади. Билетлар сотилмоқда.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 24, 25/IX да Катта концертлар. Ўзбекистон ССР халқ артистлари Қоимқоюн Отаёзов, Ғулом Абдураҳмонов, хизмат кўрсатган артистлар ва солистлар қатнашади. Билетлар сотилмоқда.

КИНО

КИШКИ БИНОДА

Одиссей савҳатлари — „ВАТАН“. НАВОЙИ номли (қуёндз ва кечқурун). „СПУТНИК“ (эрталаб соат 10 да, қуёндз 12, 2, 4 ва кеч 6 да).

Бегоналар — „МИР“ (қуёндз ва кечқурун).

Синделлаги севги — „ИСКРА“ (қуёндз ва кечқурун).

Буғудатган қанқулар — (эрталаб соат 10 да, Етти азамат (қуёндз ва кечқурун). „КОМ-СОМОЛ 30 ПИЛЛИТИ“.

Мартин буғудат — „ЎЗБЕК-ТОН“ (қуёндз ва кечқурун). „СПУТНИК“ (кеч соат 8, 10 да).

Буғудатган тўрт қадам — „СПУТНИК“ (тоқ соатларда).

Севги қиссаси — „ВАТАН“ (кеч соат 8 да).

1962 йил 3 октябрда қуёндз соат 1 да. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Иқтисодий фанлар бўлимининг экономика бўлими билишган илмий совети мажлисида (Қўйишеш қўчаси, 15-уй).

И. В. Шанченко

Иқтисодий фанлар кандидати деган илмий даражани олиш учун: „Ўзбекистон пахта саноатининг молия хўжалиги“ деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИ

Диссертация билан Фанлар академияси кутубхонасига таъиниш мумкин (А. Тўқаев қўчаси, 1-уй).

30 сентябрда Москва шаҳрида

3% ЛИ

Давлат ички

ЮТУҚ ЗАЁМНИНГ

асосий саксон тўққизинчи ва қўшимча ўн бешинчи

ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ

БЎЛАДИ

10.000 сўмдан	16 ютуқ
5.000 сўмдан	112 ютуқ
2.500 сўмдан	480 ютуқ
1.000 сўмдан	1680 ютуқ
500 сўмдан	14080 ютуқ
100 сўмдан	48000 ютуқ
40 сўмдан	25632 ютуқ

ЭПНАЛАДИ.

Бу заёмнинг облигациялари омонат кассаларида сотилади ва бемалол сотиб олинади.

3% ли заём облигацияларини сотиб олинг!

Тошкент шаҳар, Пушкин қўчаси, 41-уй, 4-квартирда турувчи Игорь Николаевич Вовоникович Ахшобод шаҳар, Қолқов қўчаси, 30-уйда турувчи Нина Михайловна Панасинадан акрилли ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Қўйишеш район халқ судида ҳақида.

„Бизнинг адрес“

Тошкент, „Правда Востока“ кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОҲЛАРИ: Редактор — 29004, редактор ўринбосари — 25885. Партия турмуши бўлими — 26232. Пропаганда ва совет қурилиши бўлими — 28761. Қишлоқ хўжалиги ва маҳаллий ахборот бўлими — 29040. Адабиёт ва санъат, маданият, саноат ва транспорт бўлими — 33786. Секретариат — 34808. Хатлар бўлими — 34048. Илгор таърибларини пропаянда қилиш штатенз бўлими — 31936. Эълонлар бўлими — 28142. Коммуитар — 26334, 33262, 30249, 30250, 30253.

„Қизил Ўзбекистон“, „Правда Востока“ ва „Ўзбекистон Сўрт“ бирлашган нашриятининг бичма-бичаш Нашр. Г. 1686.